

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 251 (2029).

24 декабрь, якшанба 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАЗОР МАРДИ

Саодат райком биносидан ташқарида чиққанда кун пешиндан оққан эди. Кеч куз пайти. Хаваё бўлут қўрилди. Совуқ шамол эсаяпти. Теп-текис кўчаларнинг ҳар икки томонидан дархатлардан дув-дув тилларанг барглар тўкилади. Шамол бу баргларни ҳар ер, ҳар ерга тўп-тўп қилиб уяди. Сўйра уларни чирпирак қилиб ердан кўтарди, барглар шамол эпкинидан сўнг ерга яна чуғурчқлардек ёприлади.

— Ана шунақа, — деди раис, — сен Москвага, сўзгад кетаётганимда бригаданинг иши қандай бўлар экан, деб ховатирланган эдинг. Азаматлар сенинг йўқлигини билдиришмади. Ҳозир бригаданинг плани бир юз олти процентга етди.

— Ҳозир бу ҳақда менга райком секретари ҳам айтиб берди, — деди Саодат, — азаматлардан жуда миннатдорим, Москвадан жуда бой таассуротлар, янги режалар билан қайтдим. Энди ҳамкорликда меҳнат қилиб ишганимиз яна ҳам юриштириб юборамиз.

КПСС XXII съезди делегати Саодатни ҳамқишлоқлари, кўни-кўшилиари қувонч билан кутиб оляпти. Шу кун Саодатнинг уйи бригада аъзолари, дугоналари билан тўлди. Ўртада қизгин суҳбат бошланди. Ҳамама бу бахтиёр қизнинг Москва таассуротларини тинглашга ошқар эди. Саодат ҳақ-жонланиб сўзлайди.

— Кимлар билан учрашдингиз? — деб сўраб қолди қизлардан бири.

— Жуда кўп кишилар билан учрашдим, — деб жавоб берди Саодат, — биринчи қосмонат Юрий Гагарин билан ёнма-ён ўтириб суҳбатлашдим. Жуда хушчақчақ, очик кўнгил йигит экан, келинг, сиз кўп пахта теришда, биз эса осмонга учиб, Дунгдор тўққунчи Валентина Гавановани айтмасизми! Бу оддий ва камтарин аёлнинг бутун вужуди ҳаққ иштига кўнрок фойда келтириш истаги билан банд.

Саодат шу гапларни айтар экан ёнидан бир даста расмларини олиб қизларга узатди. Манара расмга ҳам тўшган эди, кўринглар, қизлар ҳавас билан расмга тикилишарди.

Шу пайт Саодатнинг синглиси нариги хонага кириб сарғайиб кетган газетани олиб чиқди.

— Кўраёсанми, бу расмингиз қаёда-ю, ҳозир расмингиз қаёда, — деди у газетани орасига узатар экан.

Пиллар, қанчалик мазмунга бой биллар. Ана шу сарғайиб кетган газетадан утган кўзлари билан тикилиб турган Саодатни ўша маҳалда ним ўйлаган эди, шундай катта бахтга муяссар бўлади, мамлакатда доғи кетади деб. Меҳнат уни ана шундай шарафга муяссар қилди.

— Дарвоқо фарқ катта, — деди Саодат, — Ахир бу супратим газетатга чиқариладими мен ҳали жуда ёш эдим. Ўша 1954 йилда 17 тонна пахта терган эдим.

Ҳа, Саодат пахтакорлик касбида жуда арта илҳос қўйди. У кўпингкилограммчи теримчи сифатида билдан-йилга маҳоратини оширди. Бир мавсумда ҳатто 30 тоннагача етказиб пахта терди. Кўп пахта терганини туфайли партия ва ҳукуматимиз унинг кўксига «Олтин Юлдуз» тақди.

Шу орада машинада пахта териш устаси Турсуной Охунбаевани ташаббуси ёйлабшолди. Саодат биринчилар қатори машина ҳайдашни ўрганишга бел боғлади. Ахиринг уладасидан чиқди ҳам; РТС да очилган курсда ўқиб, ўрганиб меҳнат ҳайдовчи бўлди. Дастлабки йили 100 тоннадан ошириб пахта терди.

— Этак қаёда-ю, бункер қаёда, — дейди Саодат, — Мен етти мавсумда терган пахтамни бир йилда терибман.

Шундан кейин Саодатни трактор-далачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Колхозчилар таъбири билан айтган бу «ишсавар қиз» янги вазифани ҳам шараф билан бажарди. Унинг бригадаси биринчи йилдаёқ топириқини ортиги билан бажарди. Бу йил эса бригаданинг кўрсаткичлари яна ҳам юқори.

Декабрь ойининг ўрталари эди. Ҳар икки томони шудорланган нартлардан ўтиб, Саодат бригадасига кириб бормоқда.

— Саодатнинг бригадаси ҳозиргача қанча центнердан пахта топириди? — сўради раисдан.

— Қирқ бешга етказишди, — жавоб берди у, — роса гайрат қилишди бу йил.

Мана, бригадига етиб келди.

Кенг картада ҳосилнинг сўнгги граммлари йигиб олинмоқда.

— Мана шу ўн беш гектар еримиз қолди, — деди Саодат, — сўнгги граммларини термоқда. Эртадан бошлаб бу ерга ҳам трактор киради. Бригадани аъзолари келгуси йили гектаридан олаётган ҳосилни 50 центнерга етказишга аҳд қилишди. Шу мақсадда ҳамма еримизни ўғитлаб, шудорлаб қўймоқда.

Ҳақиқатан ҳам пахтазорнинг мард қизи деса арзийди Саодатни. Бригада бўйича етиштирилган ҳосилнинг деярли 60 проценти машинада терилди. Саодатнинг ўзи машина бунжеридан 165 тонна пахта тўқди. У, ўз бригадасида машина теримчибоп пахталар товиқлаб қолганида қараб турмади. Колхознинг бошқа бригадалари ҳамда «Бўка» совхозининг далаларида машина билан пахта терди.

Бригаданида асосий ишлар машина билан бажарилиди, — дейди у. — Бутун майдондаги бўзанинги мавсум давомида уч марта қўндалантига, беш марта узунсига культивация қилдик, тўрт марта суғордик, тўғйиб озиқлантирдик. Бир центнер пахтанинг таннари 7—8 сўмга тўғри келаяпти. Келаси йили бундан ҳам арзонлаштириш учун курашамиз.

Бўка районидаги Охунбаев номи колхоз далаларида бўлган киши Саодат Гулаҳмедова бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг ишидан жуда хурсанд бўлиб қайтди.

Лекин, айтиш мумкинки, колхозда Саодат сингари пешкаларнинг иши мақталади-ю, уларнинг тажрибаси кенг омалаштирилмади. Колхознинг ўртоқ Сулаймон Пардаев бошлиқ бригадаси ҳар гектар ердан 32 центнердан, Тўйли Мамамов бошлиқ бригадаси 65 центнер ерининг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта топириди. Колхоз бўйича эса гектардан 22,5 центнердан ҳосил олиниб, план 95 процентга қолди.

Партия ва ҳукуматимиз гектардан 25 центнердан кам ҳосил берадиган ҳўжалик қўлмасин деган шioriн ўртага ташлади. Бу шарафни ваифаи бажаришда Саодат сингари тажрибдорларнинг иш усуллари омалаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Н. РИХСНЕВ.

Украинанинг ҳамма бойликлари Ватан хизматиға

КИЕВ, 22 декабрь. (ТАСС). Бутун Киевдаги спорт саройида Украин қишлоқ ҳўжалик ходимларининг кенгаши ўз ишини давом эттирди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев қатнашмоқда.

Кенгаш қатнашчилари Украина Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Н. В. Подгорнийнинг КПСС XXII съездининг қишлоқ ҳўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида республика қишлоқ ҳўжалик ходимлари олдига турган вазифалар тўғрисида қилган докладни қизгин муҳокама қилмоқдалар.

Кенгашда Херсон область Скадовский районидаги «Нове життя» колхозининг комбайнчиси А. И. Романюк, Украина ССР қорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори Н. П. Даниленко, Украина ССР қишлоқ ҳўжалик министри М. С. Спивак, Кировград областидаги КПСС XX съезди номи колхоз трактор бригадасининг бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Ҳақрамони А. В. Гиталов, Украина ЛДКСМ Марказий Комитетининг секретари Ю. Н. Ельченко нутқ сўзладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга сўз берилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг катта ва ёрқин кўнги зўр эътибор билан тингладилар ва кўп марта тўлдурас қарасқлар билан бўлиниб турди.

Ўртоқ Н. В. Подгорний қисқача ақуловчи нутқ сўзладилар.

Кенгаш қатнашчилари барча колхозчиларга, совхоз ишчиларига меҳнаткорларга, «Сельхозтехника» район бўлимларининг ходимларига, қишлоқ ҳўжалик мутахассисларига, Украинанинг барча меҳнаткашларига қарата мурожаат қилди.

Кенгаш қатнашчилари гоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига маънуб қабул қилдилар.

Шу билан кенгаш ўз ишини тамомлади.

Кечукур кенгаш қатнашчилари учун катта концерт берилди.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 23 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН М А Ъ Л У М О Т (Планга нисбатан процент ҳисобда)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бўлиши бери
ЮҚОРИ ЧИРЧИК	—	123,96
ҚУНИ ЧИРЧИК	0,02	120,32
ОРЖОННИКОВ	—	107,10
ЯНТИЕР	0,07	106,11
ЭРТА ЧИРЧИК	0,01	102,23
ЧИНОЗ	—	100,84
ЯНТИЕР	0,03	100,27
ПЫСКЕНТ	—	100,10
Консомол	0,04	96,94
Бўка	—	94,39
Сирдарё	0,01	94,13
Оқдўғон	0,05	93,10
Бекобод	0,04	88,35
Гулистон	0,02	76,81
Област бўйича	0,02	97,94



Суратда: ўртоқ Саодат ГУЛАХМЕДОВА.

М. Комлев фотоси.

ВАТАНГА УЧ МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА БЕРИЛДИ!

Ўзбекистон пахтакорлари пахта етиштиришни бутун қуралиш ва бу йил эъда сув танқислиги натижасида бу жуда келган катта қийинчиликларни бартараф қилиб, Ватан омборларига уч миллион тонна «оқ олтин» жўнатдилар. Бу миқдор ўтган йил шу мuddатгача тайёрланганидан 184 миң тонна ортқидир.

Хоразм дала меҳнаткашлари энг катта муваффақиятларга эришдилар. Улар далада 290 миң тонна, яъни планда белгиланганига нисбатан 39 миң тонна кўп пахта собиб, дўларининг оширилган социалистик мажбуриятларини анча ортиғи билан бажардилар. Областида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарида 29 центнерни ташкил этади.

Самарқанд области пахтакорлари Ватанга 388 миң тонна пахта бердилар. Улар давлат топириқини 103,7 процент бажариб, тайёрлаш пунктларида мажбурият ҳисобига пахта жўнатмоқдалар.

Шу билан бирва республиканинг бир қанча областлари ва Қорақалпоғистон АССР пахта тайёрлаш давлат планини бажармадилар.

Тошкент областида 467,5 миң тонна ёки давлат планининг 98 проценти, Қорақалпоғистон АССРда 219 миң тонна ёки планининг 97,3 проценти, Андижон областида 695,9 миң тонна ёки планининг 93,8 проценти, Сурхондарё областида 347,9 миң тонна ёки планининг 88,1 проценти, Фарғона областида 357,5 миң тонна ёки планининг 82 проценти, Бухоро областида 234,3 миң тонна ёки планининг 80,8 проценти миқдориди пахта тайёрланди.

Пахтани териш ва давлатга топириш республиканинг ҳамма областларида давом этмоқда. (ЎзТАГ).

ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ ШАРАФЛИ ИШИ

Совет фани ва техникаси мисли кўрилмаган даражада барқ уриб тараққий этапти. Совет олимлари бутун дунёни ҳайратда қолдираётган чинакам муъжизалар яратмоқдалар. Улар физика, математика ва кибернетикани ривожлантиришда, химия, биологияда, машинасозлик, металлургия, автоматизация, телемеханика ва башининг бошқа соҳаларини тараққий эттиришда гоят катта ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Ана шу ягона совет фанининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон фани ҳам тобора ривожланимоқда. Республикада атом реактори бўлган илмий муассаса вужудга келтирилди. Кимё фани бўйича даража қадмалар билан олдинги марраларга чиқиб олindi. Буларнинг ҳаммаси Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг тантанасини ифода этади.

Мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда совет фани олдига жуда юксак ва улуғвор вазифалар турбиди. КПСС XXII съездида бир овоздан маъқулланган улуғвор Программда совет олимларига қарата шундай дейилган: «Билмининг энг муҳим соҳаларида қўлга киритилган олдинги позицияларини совет фани кўлида маҳкам сақлаб қоллиш ва барча асосий йўналишлар бўйича жаҳон фанида етакчи мавқеи эгаллаш — совет олимларининг шарафли ишидир».

Коммунизм компаси бўлган бу Программда фан ва техника тараққийнинг бундан кейинги истибболлари ёрқин ифода этилган. Совет фани жаҳоннинг тараққий эттиришда коммунизмнинг моддий-техник базасини яратишда асосий омиллардан бири эканлиги кўрсатилган.

Халқ ҳўжалигининг бирор тармоғи йўқки, у илм-фантагайманган бўлсин. Оғир ва енгил сансатга ҳам, қурилиш ва транспортга ҳам, қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда ҳам фанининг мавқеи, тутган ўрин беиҳсо қатталар.

Халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида тараққий этаётган техника фанига таъинлади. Бу ерда фанининг ишлаб чиқариш билан маҳкам алоқада бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. «Халқнинг яратувчилик меҳнати билан, коммунистик қурилиш практикаси билан муштакам алоқа — фанининг савабидир».

марали тараққий этиши учун гавдир», — дейлади КПСС Программасида.

Шунинг оқибати эътироф этиш кераки, фан билан ишлаб чиқариш ўртасида муштакам алоқа ўрнатилмаганлиги туфайли айрим илмий-тадқиқот ишлари ҳаётга, ишлаб чиқаришга татбиқ этилмай келинапти.

Пахта — республикамизнинг ифтихоридир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон олимлари пахта селекцияси соҳасида, янги ерларни суғориш, қўни-кўшилиари бот-бўстонга айлантириш бўйича, пахтачилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларини комплекс меҳанизациялашнинг энг тўғри қўли ва арзон йўлини қидиришлари, бу соҳада пахтакорларга энг илғор намуналарини кўрсатишлари керак.

Афсуски, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳамма илмий муассасалари ҳам ўз олдларидида турган муҳим вазифани сийдирилган бажаришга етирлар деб бўлмайдилар. Жумладан, пахтачиликни ривожлантиришда жуда кўп проблемаларни ҳал этишда кимё фанининг аҳамияти катталар. Қишлоқ ҳўжалиги учун минерал ўғитларнинг янги хилларини яратиш, пахтани маҳсулотида териб олиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган дефолляция дориларининг сифатли турларини етказиб бериш, пахтани синтетик материалларга хос бўлган хусусиятларини яратиш, ундан бишқик газламалар олишга эришиш, юқори сифатли ва арзон сунъий ҳамда синтетик материаллар яратиш вақти келди. Бунинг учун Ўзбекистон шариотида моддий база ҳам мавжуд. Аммо шу соҳа билан шуғулланиши керак бўлган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли полимерлар қимёси институтини халқ ҳўжалигимиз учун энг зарур бўлган мана шу масалалар устида илмий-тадқиқотлар олиб бориш ўрнига иккинчи даражада масалаларни ҳал қилиш билан чегараланиб қолмоқда.

Шунингдек, академиянинг физика-техника институтини ҳам шу кунинг муҳим талаби бўлган космик нурлар устидида илмий-тадқиқот олиб бориш иши ҳамон сўзлашиб келмоқда. Бу муассасанинг олимлари ҳам тўла имконият яратилганлигига қарамай, ишга астойдил киришмаётдилар.

Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев фан — бизнинг компасимиз, деб совет фанига жуда юксак баҳо берди. Ана шу баҳога муносиб хизмат қилган ва олимизда турган вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун илмий-тадқиқотларни муайян мақсадларни қўлаб олиб бориш, олимлар билан тажрибакорларнинг алоқаларини муштақамлаш, уларнинг куч-гайратини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқодий изланишларга кенг йўл очиб бериш, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши устидан доимо назорат қилиб бориш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги иқодий ҳамкорликни бутун чоралар билан муштақамлаш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг жонажон ишидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1962 йил февраль ойининг иккинчи яримда Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида қурилиш масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Кенгашда қуйидаги докладлар тингланган ва муҳокама қилинади:

— капитал қурилиш планларининг бажарилишини таъминлаш, курилатган объектларнинг ишга туширилишини тезлаштириш ва капитал маблағлардан самаралироқ фойдаланиш тадбирлари;

— қурилишда ва бинокорлик материаллари саноатида техника даражасини янада ошириш вазифалари;

— қурилиш соҳасида илмий тадқиқот ташкилотларининг вазифалари;

— Россия Федерацияси ва Қозғистон ССР да 1962 йилда капитал қурилиш планларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чоралари.

Кенгаш ишида қурилиш, проект, илмий тадқиқот ташкилотларининг ҳамда бинокорлик материаллари, қурилиш ва йўл машинасозлиги корхоналарининг ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари, халқ ҳўжалиги меҳнаткорларининг, партия, совет, насоба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари қатнашадилар.

ҚИЗГИН ТАБРИНЛАР

МОСКВА, 23 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси халқининг империалистик агрессорлар устидан галаба қозонганига беш йил тўлган кунда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Бирлашган Араб Республикаси президенти Гамо Абдиль Носирга табрик телеграммасы юборди. Совет ҳукумати бошлиғи дўст Бирлашган Араб Республикаси халқига миллий иқтисодиётини муштақамлашда ва халқ фаровонлигини юксалтиришда янада муваффақиятлар истаб, самийий тиланлар йўлайди.

ЕР ШЎРИНИ ЮВИШ — АСОСИЙ МАСАЛА

Яқинда Тошкент область партия комитетида Мирзачўл районлари колхоз ва совхозларининг раҳбарлари, сувичилари, сув ҳўжалиги ходимлари иштирокиди ерининг шўрини ювиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари шўр ювишнинг бориши тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар ва бундан бўён шўр ювишни қандай қилиб тез ва сифатли ўтказиш кераклиги ҳақида ўзаро тажриба алмашдилар.

Маълумки, областимизда пахтачилик соҳаси қишлоқ ҳўжалигининг энг асосий тармоғи ҳисобланади. Обастимиз шариотида, айниқса, Мирзачўл ерлари шариотида шўр эртарок ва сифатли қилиб ювилмас қишлоқ ҳўжалик зиналаридан, биринчи навбатда пахтадан мўл ҳосил олиб бўлмайдилар.

Кенгашда 1-«Бойвут» совхозининг директори Раисов, Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси Алимхўмаев, Комсомол районидаги Ленин номи колхозининг 9-бригадаси сувичиси Исмолов ва бошқа ўртоқлар сўзга киришди, шўр ювишнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини исботловчи қўлаб фактларни келтирдилар.

1-«Бойвут» совхозида ўтган йили кузда шўр ерларнинг ҳаммаси сифатли ювилган эди. Қолган май-донларга эса яхоб суви берилган эди. Бунинг натижаси чакки бўлди. Совхоз бу йил 5100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 28,8 центнердан ҳосил йигиб олди. Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозида ўтган йили халдан ташқар шўрлардан 300 гектар ерни қўнғилдагидек қилиб ювилган эди. Бу йилги йилгитерим арафасига келиб, ҳар гектар ерда 80 миң тупдан қўчак сақлаб қолинди. Ўғзалар яхши ривожланди, мўл ҳосил тўпланди. Оқибатда бу ҳўжалик планининг эмас, зини-мага олинган социалистик мажбурият ҳам ортиги билан адо этди.

— Бригадани аъзолари, — дейди Комсомол районидаги Ленин номи колхозининг 9-бригада сувичиси ўртоқ Исмолов, — бу йил гектар бошига 26 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтариб, йиллик планини 130 процент адо этдилар. Бу ютуққа биз шўр ювишга йил сайин катта эътибор билан қараётганлигиди туфайли эришдик. Биз ҳозир ҳам шўр ювишга алоҳида эътибор берилмиш. Шу

кунгача 30 гектарга яқин ерни ювиб бўлди. Бу ишни эрта-индин тугаллаймиз.

Қўнғина ҳўжалиқларнинг раҳбарлари шўр ювишнинг аҳамиятини яхши тушуналар ҳам бу муҳим ишни тезроқ ва сифатлироқ қилиб бажаришга етарли аҳамият бермаётдилар. Обастимизда 20 декабрга қадар шўр ювиш бўйича берилган топириқнинг учдан бири қисминини бажарилди. Шўр ювиш планини Янгиер району 15 процент, Бекобод району эса 10 проценти бажарган. Шўр ювиш ишларини қонқарли ташкил этмаслик фактлари Мирзачўлдаги қўнғина ҳўжалиқларда содир бўлмоқда.

Кенгаш қатнашчилари бажарилаётган ишларнинг сифатига алоҳида аҳамият бердилар. Союз-НИХИ марказий мелiorация тажриба станциясининг директори ўртоқ Сафаров ўз сўзида ўтган йили шўр ювишнинг сифатига эътибор берилмаган жойларда ҳосилдорлиқнинг кескин даражада намайиб кетганлигини фактлар асосида исботлаб берди. Гулистон райони, шўр ювиш энг орада суғуриш келаятганлигига сабаб, бу райондаги қўнғина ҳўжалиқлар ўтган йили ерининг шўрини сифатли ювишга эдилар. Натижада район бўйича қўчак кам бўлди. Йилгитерим арафасига келиб ҳар гектар ерда 50—55 миң туп қўчак сақлаб қолинди, холос. Шундай ҳолни кўра-билатириб ҳўжалиқларнинг раҳбарлари, район партия комитети ва район иқтисодиёт тети ҳозир ҳам бу соҳада сифатли ишлар қилинганлигига йўл қўймоқдалар. Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозини ҳамда Гулистон районидаги «Социализм» совхозининг қўнғина бригадаларида шўр ювиш ишлари номгитани ўтказилди.

Област қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Молчановнинг айтишича қатор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари шўр ювиш планини тўзаётганда тупроқдан картасидан мутлақо фойдаланмайдилар. Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси ўртоқ Брухтин ҳам шундай қилипти. Колхознинг тупроқ картасида қўр, сатиллишча ҳўжалиқнинг 1700 гектар ери шўр, Шундай бўлишига қарамадан бу колхозда ўтган йили 600 гектар ерининг шўри ювилган, холос. Колхоз раҳбарлари бу йил ҳам шунча ерни ювиш

билан чегараланишга қарор қилишган.

ХАР ТҒҒРИДА
ҚУЁШДАН
МИЛЛИАРД
МАРТА ЁРУФ

Таниқли олим Фриц Цинки
жуда янги юлдуз кашф қилган-
лигини эълон қилди. Бу юлдуз-
нинг еруғлиги Қуёшнинг милли-
ярд марта кўдир. Тўғри, янги
юлдуз туғайли бизнинг Ерда ту-
нлар ёруғроқ бўлиб қолгани йўқ.
Юлдуз биздан 800 миллион еруғ-
лик йили узоқда жойлашган. Бу
— топинган янги юлдузлар ичи-
да энг узоқдагиси ҳисобланади.

МАГНЕТРОН—ОШПАЗ

«Артур-Мартен» деган Париж
фирмаси электрон қулинария пе-
чи тайёрлади. Бу печда таом бир
неча минут ичида қайнайдиган,
қовиртадиган ёки исийди. Магнетрондан
чиқиб турадиган электрон тўл-
қинлар овқатнинг орасидан ўтиб
уни иситиши Шундай қилиб, ов-
қат одатдагича тағ томонидан
эмас, балки ичидан пиширилади.
Печ овқатларни пишириш учун
инфракрасдан мослама ёлан жи-
ҳозланган. Магнетрон ва бу мос-
лама алоҳида-алоҳида ишлаши
мумкин.

БОЛАЛИК-ДА,
НИМА ДЕБ
БҲЛАДИ...

— Ўғилчам, сен нариги уйга
чиқиб ўйнагин, телевизорда кўр-
сатиладиган бу фильми тамоша
қилишга ҳали ёшлик қиласан.

— Ие, кеча амакилар катта
йигитча бўлиб қолибсан, деган
эдилар-ку?!

Тоҳир, сен Баҳодир билан Са-
лимани хафа қилмагин, улар қи-
риндошимиз бўлишди.

— Бўлмаса, бегоналарни хафа
қилмасан майлими?

— Дада, одам кўзини юмиб
хат ёзиши мумкинми?

— Мумкин, ўғлим.

— Қани бўлмаса, менинг кун-
далигимга кўзингизни юмиб кўз
қўйиб юборинг.

— Ойи, одам маймундан келиб
чиққан дейишди, шу ростми?

— Рост.

— Э, шунинг учун маймунлар
жуда қамайиб кетган эканда...

„ОЗОД“ ДУНЁНИНГ БАШАРАСИ

НОЧОРЛАР

Японияда 3 миллион ки-
ши саз қасалган грифтор-
1 миллион 800 минг киши
асаб қасалган йўлқанди.
Улардан фақат 150 минг
кишигагина медицина ёрда-
ми кўрсатилади.

ДАЛЛОЛАЛАРИНИНГ
ИХТИРОСИ

Фарбий Германиянинг „Лю-
бек шаҳридаги эрта тегизи
юзасидан даллоллак бюро,

си қўчаларга „Елғиз қаб-
ри“ автоматлари ўрнатилган.
Қабр қилди. „Свент“ автома-
тиги 2 марка ташлаган
қиз, уларнинг хоҳлаган
йигитнинг адресини олиши
мумкин.

ФОЛБИНЛАР МАКОНИ

Ўтказилган рухлат маъ-
лумотларига қараганда,
Францияда 34 минг фолбин
ва „солдандин бивуҳи“ ки-
ши бор. Улардан 6 мингта
Парижда „ишлайди“.

ЯХШИ ДЕГАН НИМА-Ю,
ЭМОИ ДЕГАННИ НИМА?

Жанубий Африка иттифо-
қидан бундан бир неча вақт
илгари маълум қилган. 179
та алабий асар ичида В.
Маковскийнинг „Яхши де-
ган сўз нима-ю, эмои деган
сўз нима?“ шеъри ҳам бор.
Кимки, агар билиб туриб
бу асарни сазласа, унга
1000 фунт стерлинг жарима
соллинади ёки у 5 йилга
қамқоқ жазосига ҳукм қи-
линади.

ЖЕК ЯЛҚОВ

Бир бор экан, бир йўқ экан,
қадим замонда бир бола яшаган
экан. Унинг оти Жек экан, у қи-
ри онаси билан саҳрода яшар
экан. Кампир кишиларга у-бу на-
рса тўғри берар экан. Лекин бу
билан бойлик орттириб бўлмас
эди. Жек бўлса ўлғудай ялқов
экан. У ҳеч нарсани қилмас, фақат
ёз қушлари ортбосда исиниб ўти-
рар, қишда бўлса уйдан эшикча
чиқмас экан.

Шунинг учун ҳам ҳамма уни
Жек ялқов дер экан.

Онаси Жекни оз бўлса ҳам би-
роз ердан беришга сира мажбур
этомас экан ва душанба кунин
унга кутилмаганда шундай депти:

— Агар ўз овқатининг ўзини
топиб эмасанг, уйдан ҳайдаб юбо-
раман кейин ўз кунининг ўзини
кўрасан!

Бу сўз Жекка қаттиқ таъсир
қилипти. Ўзгасига семашга кунин
қўйишсин фермерчиликка бориб ёл-
ланипти. у бир кунига бир пенини
ҳақ тўлайдиган бўлипти. Кун бўли
ишлаб пенини олиб уйига қай-
типти лекин йўлда ариқдан ўта-
йтипти лекин йўлдан қўйипти. Ахир
у дунёга келганидан бери қўйига
сирра ҳам пул ушламаган экан-да.

— Хе овар! — депти онаси
унга, — пулни қўйганига солиб
олсанг бўлмасмиди!

— Энди худди шундай қила-
ман! — депти Жек.

Жек яна чоршанба кунин кети-
пти-да, подачига ёлланитпти. Кечга
ишлагандан сўнг, бунинг учун
подачи уни бир хурмача сўт бе-
рипти. Жек хурмачани намазун-
нинг чуқур қўтигига солиб оли-
пти, аммо у ярим йўлда берма-
дан, хурмачадаги сутнинг ҳамма-
си чайқалиб, тўғилиб кетипти.

— Эй худди! — деб ачинитти
онаси, — ахир хурмачани бо-
шинига қўйиб келсанг бўлмас-
миди.

Жек ялқов душанба кунин яна
уйдан чиқиб, қўй-эчин сотиш би-
лан шуғулланганидан савдогарга
ёлланитпти. У ҳақи учун бир эшак
беритпи. Эшакни елмага қўйиб,
орқалаб олиш жуда қийин бўли-
пти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 24 ДЕКАБРЬ, 1961 ЙИЛ.



Саҳнадаги тулғун очилган бу қизлар профессионал артистлар
эмас. Улар Тошкентдаги бадий кастачилик фабрикасининг ҳа-
васкор санъатчилари. Қизларнинг шарафли меҳнатига қувноқ
қўйиб ва шўҳ рақслар ҳар доим йўдош. Фабрика бадий
ҳаваскорлари яқинлашиб келатган янги йил байрами ку-
ларида корхона ишчиларига янги программада концерт кўр-
сатишмоқчи. Суратда: ашулчилар ансамбли «Дақта гул» қўши-
ғини ижро этмоқда. Ўртада тўғарак солисткаси О. Алмухаме-
дова.

БИЗНИНГ
КАЛЕНДАРЬ УЛКАН СОВЕТ ЁЗУВЧИСИ

Алқойиб совет ёзувчиси Алек-
сандр Александрович Фадеев
(1901—1956) ижоди халқимиз-
нинг социализм ва коммунизм
учун кураши билан қамбарчас
боғланганлиги У совет адабиё-
тига янги дунёнинг эски дунё
билан қудратли кураши роман-
тикаси ва коммунистик парти-
янинг таъкилотчилик геинисига
чуқур ишонч руҳини олиб кел-
ди. 20-йилларда адабиётга на-
дам қўйган Фадеев ёш совет
санъатининг асосчиларидан би-
ри бўлади. «Социалистик ҳаёт
ва бу ҳаётни қандай кураш би-
лан қўлга киритилганлиги ҳа-
қида кишиларга биринчи бўлиб
ҳикоя қилиб беришдек бахт
бизга муассар бўлди» деган
эди А. А. Фадеев.

«Разли» ва «Оқимга қар-
ши» каби дастлабки повестла-
ридаёқ ёзувчининг новаторлиги
сезилиди. «Партия кишичи»,
Совет ҳокимияти учун куралиш
курашининг қаҳрамони бу по-
вестларнинг марказий қаҳрамо-
ни бўлди. Ёзувчининг граждан-
лар учури ҳаққонин ва зўр
талант билан тасвирлаб берил-

ган «Тор-мор» романи китоб-
хоналар орасида тезда машҳур
бўлиб кетди. «Удегеннинг сўн-
гис» номли роман-эпопеяда
ҳам халқ ва партия темаси асо-
сий ўринини ишғол қилади.

«Еш гвардия» романининг
ярталиши Фадеевнинг ёзув-
чилик қаҳрамонлиги бўлди. Бу
китоб фақат Совет Иттифоқида
гина эмас, балки чет эллардаги
миллион-миллион китобхоналар-
ни ҳам ўзига мафтун қилди.
Романда автор Красодоннинг
жасоратли қаҳрамонлари мисо-
лида немис-фашист босқинчи-
ларига қарши кураш йиллардаги
совет халқи кўрсатган буюқ
маънавий кучини зўр илҳом ва
поэтик маҳорат билан тасвир-
лаб берган. Ёзувчи томонидан
ярталиш характерлар галле-
реясида коммунистлар (Левин-
сон, Сурков, Алёша Мален-
кий, Проценко, Люткинов, Вале-
ко ва бошқалар) алоҳида ўрни-
ни эгаллайдилар.

А. А. Фадеев адабиёт наза-
рийчиси ва таъкилчи сифати-
да ҳам машҳурлиги У ўзининг
социалистик реализм назария-
сига бағишланган асарлари ва
адабиётнинг айри масалалари-
га бағишланган мақолаларида
адабиётнинг турмуш билан бо-
ғалиши коммунистик ғойили-
ни ва юксак бадий маҳорат
учун оташни курашчи сифатида
қийнади.

Ёзувчи, кўзга қўрилган дав-
лат ва жамоат арбоби Фадеев-
нинг туғилганига бугун 60 йил
тўлди. Алқойиб китоблари ҳо-
зини кунда коммунизм учун
умумхалқ кураши ишига хиз-
мат қилаётган коммунист-ёзув-
чининг хотирасини совет киши-
лари чуқур ҳурмат билан эста
олмоқдалар.

ИНГЛИЗ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

— Эндиги сафар худди шундай
қиламан! — депти Жек.

Жек пайшанба кунин яна фер-
мерчиликка бориб, бир кунга озга-
на ёлги ишпошқа ёлланитпти. Кеч-
курун Жек ишпошқон бошига қўй-
иб уйига жўнапти. Бироқ бу са-
фар ҳам у уйига қўл-қуруқ қай-
типти: ишпошқон ишпошқон ҳамма-
си эриб, сочларига ёлпишиб қо-
липти.

— Оббо тентагей! — депти она-
си, — ахир уни авайлаб қўйин-
да кўтариб келсанг бўлмасмиди.

— Эндиги сафар худди шу-
ндай қиламан, — депти Жек.

Жек жума кунин ноновойга ёл-
ланитпти. ноновой ҳақиқа катта бир
мушук беритпи. Жек мушукни
олиб калпига қўйиб кўтарипти.
мушук бўлса унинг калпини гилда-
лай юборгани учун қўйиб юборитпи.
Жек яна уйига қўппа-қўруқ
қайтиб келипти.

— Унинг қанақанин бефаросат-
сан ахир! — депти онаси, —
Унинг бўйиндан бойлаб, жилвир-
дан етаклаб келсанг бўлмасмиди!

— Бошқа сафар худди шундай
қиламан, — депти Жек.

Жек шанба кунин қасосбга ёл-
ланган экан, у яхшигина ҳам тў-
лапти. Қўйнинг бутун бир сони-
ни кесиб беритпи. Жек сон-ое-
нидан арқон билан боғлаб, уни лой-
лардан сузлаб келаверитпти. Лой-
га булғаланган бу қўй тўғшидан
қандай қилиб емиш тайёрлаш
мумкинлигини бундай тасаввур
қилиб қўйинг!

Бу сафар Жекнинг онаси ақли-
дан озаёвонди. Яхшанба кунин
овқатига қарамадан бундан ҳеч на-
рсаси йўқ экан.

— Ҳа каллаварам! — депти
у Жекка — уни елканга қўйиб
келсанг бўлмасмиди!

— Бундан кейин худди шундай
қиламан, — депти Жек.

Жек ялқов душанба кунин яна
уйдан чиқиб, қўй-эчин сотиш би-
лан шуғулланганидан савдогарга
ёлланитпти. У ҳақи учун бир эшак
беритпи. Эшакни елмага қўйиб,
орқалаб олиш жуда қийин бўли-
пти.

У қиздай сўрапти:
— Сен мени нима деб қақира-
сан?

— Ҳўжайин ёки мистер деб,
хоҳласангиз сэр деб, — жавоб
беритпи қиз.

Аммо Жек кучана-кучана
эшакни орқалаб олипти.

Ниҳоят у олган иш ҳақини бу-
қча-буқча аранг уйига етказиб
келитпти. У эшакни қўтарган ҳол-
да бир бойнинг эшитидан ўтиши-
га тўғри келитпти. Ўша бойнинг
яккан-яккан бир қизи бор экан,
жуда ҳам чиройли экан-у, аммо
қар-соқор экан, бунинг устига
умрида бир марта ҳам қўллаган
экан. Табиблар қизнинг отасига,
қачон уни қим қилдирса ўшанда-
гина гапирди дейишпти. Жек
эшакни елмасига кўтариб келет-
ган пайтда қиз ойнага қарапти.
У бир боланинг эшакни кўтариб
кетганини кўрипти-ю, ичаги
узилғудай қулипти. У шундай қу-
липтини, аста қўйверасиз бирда-
нига гапириб юборитпиди-да, қулоғи
эшитидиган бўлиб қолитпти.

Савдогар шунчалар севиниб ке-
литпти, ҳатто у қизини Жекка
бериб юборитпи. Жек ялқов ҳам
бойиб кетитпти. У хотини билан
натта уйга қўчиб кирипти ва она-
сини ҳам олиб келитпти. Кампир
ҳам ҳеч нарсасга муҳтож бўлмай,
ҳам-ғуссасиз умрининг охиригача
улар билан бирга яшапти.

ЖАНОБЛАРНИНГ ЖАНОБИ

Бир қиз бир кун бировга хиз-
маткорликка тушиш мақсидига
ямаркага жўнапти. Ниҳоят унга
тентароқ бир кекса жентельмен
учратпи ва уни хизматкорликка
ёллаб, уйига олиб жўнапти. Улар
уйга етиб келгандаридан кейин
ҳалиги киши қизга баъзи бир
нарсаларни ўргатиб қўймоқчи бў-
липти. чуқки, — депти у, — ме-
нунинг уймиди баъзи нарсалар
ҳаммаинига ўхшаган шунчаки
олдй нарсас эмас, уларнинг ҳам-
масининг ҳам ўзига яраша номи
бор.

У қиздай сўрапти:
— Сен мени нима деб қақира-
сан?

— Ҳўжайин ёки мистер деб,
хоҳласангиз сэр деб, — жавоб
беритпи қиз.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР
ОФАРИН

Иўлим тушиб Янгирда қўноқладим бир кеча,
Чанқоқ эдим роҳатландим сув ўрнига бол ича,
Боғлариди саф чекибди олма, анор, олича...
Райҳон уза жир жирларди бошқирди қизи Хадича:

«Оққуш қўларда бўла
Булбул гулларда бўла,
Ешлигинида қимни севсанг
Қўнглинг шуларда бўла»...

Ўн беш иллат вақилининг бунд кўрдим ҳимматин.
Тотувлигининг шарофати, дўстлигининг қудратини,
Одамизот меҳнатининг буюқ қадр-қимматини,
Саҳроларга сайқал берган юртимизнинг омадин.

Дўстлар, омон-омон бу,
Эртада йўқ замон бу,
Еза берсанг мақтовини
Ҳеч тугамас достон бу.

Иисон қўли гул, дейдилар, гуллигига офарин!
Яратувчан қудратининг мўллагига офарин!
Ҳар ишда минг бир маъно тўлигига офарин!
Шу туғайли жуда баланд қўллигига офарин!

Баҳорда — гул ахшилик,
Саҳарда — нур ахшилик,
Тўю ҳашам, баъз учун
Тўқилган жир ахшилик.

Тўра СУЛАЙМОН

ҚЎШНИ ҚИЗ

Яшар эдик ёнма-ён бир ҳовли, бир кўчада
Болаликда биз икков.
Бекимачоқ ўйнардик ҳар оқшом — ҳар кечада,
Болаликда биз икков.

Богда қанақаларини бирга қувлар эдик биз,
Гўё икки қабулар.
Мен оташ бола эдим, сен эдинг жуда шўҳ қиз,
Езсам булар бир дафтар.

Лола тергани чиқсан, сен чаканга тақардинг,
Тақиб менга боқардинг.
Қўлимдаги гуллари қўлиб олиб қочганда
Дилга ўтлар ёқардинг.

Шу қўчадан ўтаниб бугун яна ёнма-ён
Сен доқдор, мен — ижодкор.
Болаликнинг эслаймиз суҳбатларда ҳарқачон
Икки юрак — икки ёр!

Тўғқин

Бунисига нима дейсиз?

Тошкентдаги М. Горький номи
қўчаининг Вагон проецидига 35-
дўконда спиртли ичимликлар би-
лан савдо қилиш авжига қўйиб
кетди. Ҳар кунин бу ерга бочка-
бочка пиволар келтириляпти. Тош-
кентливодитор трестининг раҳ-
барларини бу ҳам қаноатланти-
мади шекилли, яқинда шу ердан
4-мактабнинг рўпарасига яна бит-
та қўшмача дўкон қўрилди. Бу
дўкон ҳам эртадан то қош қорай-
гунга қадар вино, пиво ва бошқа
ичимликлар билан савдо қи-
лмоқда.

Мактаб атрофида бирақайиға
иккита спиртли ичимлик билан

савдо қиладиган дўконнинг таш-
кил қилиниши — ўқувчилар тар-
биясига салбий таъсир қилмоқда.

Қизик. Савдо ҳодимларининг
ишига ҳеч тушуниб бўлмади.
Ахир шундай ерларда саноат,
озик-овқат моллари билан савдо
қилдиган дўконларнинг сонини
кўпайтириш мумкин эмасми? Биз-
нингча шундай қилиш керак.

Шаҳар савдо бошқармасининг
раҳбарлари, сизлар бунга нима
дейсизлар?

Ф. ТАРАХАНОВА,
врач.



Изоҳнинг хожати йўқ. А. Холиқов чизган расм.

Телевизор

24 ДЕКАБРДА

Рус тилида: 12:00 — Физкультура билан
шуғулланиш, 12:20 — Инглиз тили дарси,
13:30 — Концерт (болалар бадий ҳавас-
корлари ижросида).

Ўзбек тилида: 13:30 — Оатик калид ном-
ли фильм-эртас.

Рус тилида: 14:45 — Студияида туркия
кинематографистлари, 18:00 — Мушукча (бо-
лалар учун мультфильм-фильм), 18:25 —
Яхши кишилар ҳақида диков (ёшлар
ўқувчи), 19:05 — Телевизион янгиликлар ва
Республикамиз далайлариди, 19:25 — Ком-
позитор Имр Калымам.

Ўзбек тилида: 21:10 — Телевизион янги-
ликлар ва Республикаимиз далайлариди,
21:30 — Ишончи ёрдамчи (телевизион очери),
21:50 — Концерт (Ўзбекистон ССР Олий
Совети депутатларининг талабига муво-
фиқ), 22:50 — Реклама ва эълонлар.

НАВОИИ НОМЛИ ТЕАТР-
ДА — 24/ХП да Эрталаб Демон,
кечкурун Богочарго фонти.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —
24/ХП да Эрталаб ва кечкурун
Шубҳа, 26/ХП да Гамлет.

МУҚИМИ НОМЛИ ТЕАТ-
РДА — 24/ХП да Ҳазал фокжаси,
25/ХП да Раҳман ва Зухдунор.

ЭСТРАДА ТЕАТРИ БИНОСИ.
24/ХП да кундуз соат 1
примда мактаб музича абонемени
бўйича 7, 8, 9, 10, 11-синф ўқу-
чилари учун: «Қўнчилиги» деган
ўзбек музича ва қўшқилари экан
темада суҳбатли концерт.

25/ХП кеч соат 7 примда «Му-
зича ҳаваскорлари»нинг 7-абоне-
менти бўйича ўзбек тилида: «Р.
Глиэр ва Ўзбекистон композитор-
лари» деган темада концерт-лек-
ция.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ.
ДА — 24/ХП да РСФСРда хиз-
мат кўрсатган артист, турли хиз-
матлари ўргатувчи Н. Гладиш.

Кино

Жаноб прокурор учун гул —
«БАТАН» (кундуз ва кечкурун),
«КОМСОМОЛ 30 ПИЛЛИГИ»
(кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да),
«СПУТНИК» (жуфт соатларда),
«Жаннатда кули» — «МИР».

НАВОИИ НОМЛИ (кундуз ва кеч-
курун), «БАТАН» (кундуз соат
3-15 минут ва кеч 5 да).

Тий-Шань қизин — НАВОИИ
НОМЛИ (эрталаб соат 10, кундуз 1
арим ва кеч 5 да).

Давлат (1 ва 2-серия) — «ИС-
КРА» (кундуз ва кечкурун).

Нигури бўйида — «КОМСОМОЛ
30 ПИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН»
(кундуз ва кечкурун), «СПУТ-
НИК» (тоқ соатларда).

Жўшқин шаҳар — «БАТАН»
(кеч соат 7 да).

«СТРОЙБАНК» ТОШКЕНТ
ОБЛАСТ КИНОРАС
якка тартибда уй қурувчи-
лардан сўрайдики,
уй-жой қуриш ва капитал
ремонт учун

олган ссудалари
юзасидан 1961 йилининг 3 ва
4-кварталидаги

ҚАРЗЛАРИНИ
25 декабргача тўласинлар.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх»
бирлашган нашриятининг босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01203.

Намр. В. 1751.


ҚИЗИҚ МАСАЛАЛАР

Биринчи масалада оқлар юриш-
ни бошлаб икки юришда қора до-
налар шохини мот қиладилар. Бу
масалани қандай ҳал қилса бўла-
ди? Эҳтимол шидани олдинга
юриб, уни энг кучли сипоҳ-фар-
зинга айлантириш керакдир? У
ҳолда қора доналар ҳеч нимани
юрмайдилар, чуқки уларнинг оти
оқларнинг фарзини билан боғла-
ниб турибди. Шундай қилганда
оқлар мот бўлади — ўйин ду-
ранг билан тугаб масала ҳал бўл-
май қолади.

Хўш, нима қилиш керак?

1. с8 Руҳ! Оқлар кутилмаган-
да ўз шидасини руҳга айлантири-
дилар. Энди қоралар фақат отни
юринга мажбур. Агар қоралар
1... кв8 (ёки кв5, кв5, кв5, кв5)
юрса, оқлар 2. Ле 8Х деб жа-
воб юриши қиладилар. «Янги ву-
жудга келган» руҳ мот қиладилар!
Агар 1... кв6 га юрганда —
2. Ле 7Х деб мот қилиш мум-
кин. Қизик, оқ доналарда одатла-
гидек иккита рух эмас учта рух
бўди-ку. Шунинг айтиш керакки,
шахмат қондалари бўйича рақиб
томон учта эмас, ҳатто 8 ёки 9
тагача руҳга, ёки фил, ёки от, ёки
фарзинларга эга бўлиши мум-
кин...

БИРИНЧИ МАСАЛА



Оқлар юриш бошлайдилар ва
икки юришда мот қиладилар.

ИККИНЧИ МАСАЛА



Оқлар юриш бошлайдилар ва
икки юришда мот қиладилар.

И. БИРБЕГЕР.

Шахмат композицияси бўй-
ича СССР спорт мастери.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари
Тошкент области Советининг ижро-
ия комитети области Советининг
депутатларига маълум қилганини,
шу йил 28 декабрь кундуз соат
11 да Ўзбекистон давлат эстрада
театри биносига области Советининг
сакинчилиги қаҳирчи IV сес-
сияси бўлади.

Сессия области меҳнаткашлари-
га медицина хизмати кўрсатиш-
нинг аҳоли ва уни янада яхши-
лаш тадбирлари ҳақидаги масала-
ни муҳофиза қиладилар.

Депутатлар 28 декабрь эрта
билан соат 10 дан Ўзбекистон
давлат Эстрада театрининг бино-
сида руҳхатта олинади.

Редактор ўринбосари:

И. СУЛАЙМОНОВ.